# М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ КИРИШ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

қолиш қобилияти, қолаверса унинг тарихий тақдири ҳам мамлакат бозор иқтисодиётига ўтаётган, кўп миллатли давлатимиз ислоҳ қилинаётган, жамиятнинг янги сиёсий тузилмалари вужудга келтирилаётган шароитда партия қандай иш тутишига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Энг муҳими эса — жамиятимизда партиянинг таъсири ва аҳамияти зўрлиги сабабли ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан мана шунга боғлиқ бўлади. Бу хусусда турли фикрлар борлигига, партиянинг аҳамиятини пасайтириш ёки уни қийин аҳволга солиб қўйиш муддаосини кўзловчи бир қанча мулоҳазалар ҳам борлигига қарамай, партия жамиятимизда зўр таъсир ва аҳамиятга эга бўлиб турибди.

Хўш, партиянинг замон даъвати даражасида бўлишига нималар кўпроқ халақит бераяпти? Ҳамма бало — эскича тафаккурнинг асоратидир. Айни мана шуни мен партияга аниқ таҳлика солаётган хавф деб биламан. Жамиятда пишиб етилган ўзгаришларни қилиш равшан кўриниб турган бир пайтда ташаббусни бой бериб қўйиш хавфи бор. Табиатдагина эмас, жамиятда ва сиёсатда ҳам бўш жой бўлмаслиги маълум. Айниқса партиянинг мавқеи заифлиги сезилиб турган жойларда уни қисиб қўйишга, жамиятимизнинг сиёсий турмушини бошқа мазмун билан тўлдиришга уринишлар бўлаётганини ҳозирнинг ўзидаёқ сиз билан биз кўриб турибмиз.

Партиядаги баъзи ўртоқларимизнинг онгида жамиятда рўй бераётган ҳозирги чуқур ўзгаришлар қандай қилиб бўлмасин барибир ўзига йўл очиб олиши лозим бўлган тарихий тамойилнинг намоён бўлиши деб идрок этилаётгани йўқ. Ҳозир рўй бераётган воқеалар уларнинг назарида ўзбилармонликнинг, янглишишлар, хатоликларнинг, ҳатто кимларнингдир ғаразли ниятлари оқибати бўлиб туюлмоқда. Бу — нотўғри, ўртоқлар. Кўп ишларни бошқача, яхшироқ қилиш мумкинлигини, қайси бир ишларда янглишганимизни энди кўриб турибмиз, албатта. Аммо бу бурилиш ўз-ўзидан муқаррар эди. Ҳа, муқаррар эди. Мамлакат ортиқ бундай яшай олмас эди. У туб ўзгаришлар йўлига кириши керак эди.

Мен мана шу марказий масалани — айни бурилиш зарурлигини чуқурлаштиришни бу галги Пленумнинг вазифаси деб биламан. Иккиланишларни бартараф этиб, мана шундай тушунча асосида, партия XXVIII съезди қабул этган тақдирга дахлдор қарорлар асосида коммунистларнинг амалий ишини чуқурлаштириш кераклигини қатъий қилиб айтмоқ керак.

XXVIII съездда КПСС бозор иқтисодиётига нисбатан аниқ ва равшан фикр билдирди. Кенг мунозара, жиддий илмий таҳлил асосида шундай қилингани эсингиздадир. Неча ўн йиллар давомида ўрнашиб қолган сийқа усуллар ва ақидаларни қайта кўриб чиқишимиз, ўзгармас деб ҳисоблаб келинган кўпгина нарсаларни улоқтириб ташлашимиз лозим. Ўтмишдаги бутун мафкурамиз социализмни бозорга қарши деб талқин этиб келди, бозорни тан олишни эса социализмга суиқасд деб ҳисоблар эди. Дарҳақиқат, биз социализмга қасд қилаяпмиз. Аммо тўраларча тузиб қўйилган мамлакат 1917 йилда бошлаган йўлдан уни тойдириб юборган социализмга қасд қилаяпмиз.

Ҳозир, бозор муносабатларига ўтиш жараёни равшанлашиб бораётган, унга энг мақбул тарзда ўтиш йўллари изланаётган, фикрлар тўқнашуви рўй бераётган бир пайтда партия ҳам ўзининг бутун ижодий ва сиёсий имкониятларини съезд қарорлари руҳида шу жараёнга кўмаклашишга, ўзининг омма орасидаги иши орқали меҳнаткашларнинг кенг қўллаб-қувватлашини таъминлашга буриб юбориши лозим.

Марказий Комитет Пленумида жамиятимиз учун ҳаётий муҳим бўлган мана шу масаланинг муҳокамаси айни шу йўлдан боради, деб ўйлайман. Бу мунозара биз учун яна шу сабабдан ҳам муҳим аҳамиятга эгадирки, ҳозир бозорга ўтиш дастурини тайёрлаш ҳал қилувчи босқичга кирди. Бу дастурда турли лойиҳалар ва таклифларда баён этилган жамики ижобий фикрлар мужассамлаштирилади. СССР Олий Кенгашининг қарорларига мувофиқ бу иш мамлакат Президентининг раҳбарлигида олиб борилаётганлиги маълум. Бунда гап ўткир жиҳатлар сийқаланган ва фикрлар дудмаллаштирилган қандайдир муросавий ҳужжат ҳақида эмас, балки жамиятнинг барча табақаларини, ҳамма иттифоқдош, мухтор жумҳуриятларни, жамоат ташкилотлари ва сиёсий оқимларни жипслаштиришга кўмаклашадиган дастур ҳақида бораяпти. Умуман шу дастур негизида жамиятимизнинг барча ватанпарвар кучлари жипслаштирилади.

Бозор хусусидаги нотўғри фикрлар ва қўрқувлардан халос бўлишда жамиятга ёрдам беришни партиянинг энг муҳим вазифаларидан бири деб биламан. Зеро, ҳақиқатан ҳам, гўё бозорга ўтиш — меҳнаткашларнинг манфаатларига хиёнат қилиш ва капиталистик жабр-зулмни қайта тиклаш бўлади, деган қабилдаги турли-туман уйдирмаларга қўшилиб бўлмайди-ку, ахир. Ҳолбуки, ҳатто коммунистлар орасида ҳам мана шундай тасаввурлар мавжуд.

Албатта, бозорга ўтиш ҳазилакам иш эмас. Бунда гап жамиятнинг бутун турмуш тарзини ўзгартириш ҳақида бормоқда. Айниқса, муаммолар тўлиб-тошиб ётган, тарихий, руҳий, миллий, иқтисодий хусусиятлари ва имкониятлари жуда хилма-хил бўлган бизнинг мамлакатимизда шундай қилишга тўғри келмоқда. Бу ўтишни фақат инсоннинг манфаатлари тақозо этаётганини ва унинг мақсади — инсонга хизмат қиладиган самарадор иқтисодиётни вужудга келтиришдан, истеъдодли, меҳнатсевар кишиларни рағбатлантириш, меҳнат натижаларидан юксак манфаатдорлик шароитини яратишдан иборат эканини тушуниш муҳимдир. Бозор иқтисодиёти йўли билангина биз фақат буйруқ асосида ишлаш, тайёрга айёрлик ва текисчилик, ҳукмронлик ва тақчиллик иллатларидан узил-кесил халос бўла олишимиз энди биз учун равшан бўлиб қолди. Ўша иллат оқибатида ноҳақ йиғимлар, порахўрлик, чайқовчилик ва пинҳоний иқтисодиётнинг бошқа кўринишлари кенг тарқалган эди.

Бозор шароитида ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша деган социалистик қоидани амалга ошириш имкониятлари очилади. Ҳозирги замон бозори қонун ҳужжатлари ёрдамида, ижтимоий кафолатларнинг, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг кенг системаси кўмагида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солишни назарда тутади. Аниқроқ қилиб гапирадиган бўлсак, янги ижтимоий сиёсат юритишни назарда тутади. Бир хил иқтисодий модель учун битта иқтисодий сиёсат керак бўлган эди, бошқа бозор иқтисодиёти модели учун эса янги ижтимоий сиёсат керак. Бинобарин, коммунистлар бозорга ўтиш сиёсатини амалга оширишга соф виждон билан киришишлари керак.

Одамларни мулкчилик масаласи ташвишга солмоқда. Мулкка давлатнинг ҳукмронлиги ва бу ҳукмронлик мулкни эгасиз қилиб қўйганлиги, ишга ва хўжалик соҳасида ташаббускорликка қизиқтираётган омилларга путур етказаётганлиги ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги кўпгина кулфатларимизнинг сабабидир, деган фикрга ҳамма қўшилади. Мулкчиликнинг шакллари хилма-хил бўлиши зарурлиги тушуниб турилибди. Аммо иш аниқ соҳага бориб тақалганида тушунмаслик, ҳатто эътироз пайдо бўлмоқда. Кўп кишилар мулк давлат ихтиёридан чиқарилиши натижасида пинҳоний иқтисодиёт товламачилари, янги бойваччалар қўлига ўтиб кетади, деб чўчимоқдалар. Мен партиянинг вазифасини мулкчилик муносабатлари соҳасида режалаштирилаётган ислоҳотларнинг ҳақиқий маъносини халққа тушунтириб беришдан иборат деб биламан. Мулкни давлат ихтиёридан чиқариш жараёнида меҳнаткашларнинг қатнашувини таъминлайдиган пухта кафолатлар кўзда тутилишини кўрсатиб бериш керак. Аввало меҳнат жамоаларининг ўзлари корхоналарнинг эгалари бўлиб қолишлари керак. Бозорга ўтиш дастурига айни шу ёндашиш асос қилиб олинган. Энергетика ва ёқилғи саноати, транспорт ва алоқа, иқтисодиётнинг мудофаа секторлари ва шу каби энг асосий тармоқлар эса давлатнинг назоратида қолади, албатта.

Ерга бўлган мулкчилик — жуда катта ижтимоий аҳамиятга молик муаммодир. Партия қишлоқдаги ишлаб чиқариш ва хўжалик юритишни ташкил қилишнинг турли шакллари тарафдори бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай. Биз қишлоқни ободонлаштириш, уни зарур техника ва воситалар билан таъминлаш вазифаси зудлик билан ҳал қилиниши тарафдоримиз. Бу фикр Марказий Комитетнинг 1989 йил март Пленуми қарорларида ва XXVIII съезднинг дастурий баёнотида жуда тўла-тўкис ифодалаб берилган. КПСС қишлоқда ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишнинг турли шакллари тарафдори бўлиб келди ва ҳозир ҳам шунинг тарафдоридир. Ер хусусида шуни айтиш керакки, узоқ муддатли ижара ундан фойдаланишнинг энг самарали шаклларидан бири бўлиб, бу шакл инсонни ернинг хўжайинига айлантириш имкониятини беради. Бунда ер участкаларини ва ишлаб чиқариш воситаларини мерос қилиб қолдириш, муайян шароитларда эса ижара ҳуқуқларини ҳам жорий этиш мумкин бўлади.

Ерда хўжалик юритишнинг хилма-хил шакллари тарафдори эканлигимиз бизнинг принципиал ёндашувимиздир, деган гапни яна бир бор таъкидламоқчиман. Ҳамма масалани халқнинг ўзи ҳал қилаверсин.

Ўртоқлар, кўп миллатли давлатимизни ислоҳ қилмай туриб, умуман қайта қуришнинг муваффақиятигагина эмас, шу билан бирга аниқ муаммоларни — иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ҳам умид боғлаб бўлмаслигини кейинги йилларда ҳаммамиз тушуниб олдик. Ҳозир, айтишим мумкинки, бу масала ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда, истисносиз ҳамма нарса шунга бориб тақалмоқда. Жамиятимизнинг мана шу ҳаётий муҳим соҳасида рўй бераётган воқеалар катта хавотирлик ва ташвиш туғдирмоқда, бир талай танқидий фикр ва мулоҳазаларга сабаб бўлмоқда. Дабдабали сўз бўлса ҳам, чўчимай айтиш мумкинки, бунда гап ватанимизнинг тақдири ҳақида бормоқда.

Биз кўп миллатли давлатимизни амалий равишда ўзгартириш босқичига кирдик, энди биз мана шу жараён туфайли рўй бераётган ҳамма хайрли ўзгаришларни ҳам, шунингдек яққол кўриниб турган хавф-хатарни ҳам пайқаб олишимиз керак. Ҳозирги жараёндаги ҳамма нарса ёмон, демоқчи бўлган кишилар, ҳақ эмаслар — бундай дейиш одамларнинг кайфиятига зид келади, чунки одамлар ўз халқлари ва жумҳуриятларини миллий қайта тиклашни янги сиёсат билан боғламоқдалар. Бироқ фақат шу жиҳатни эътиборга олиб, иттифоқимизга, ҳамдўстлигимизга, халқларимизнинг иноқ турмушига таҳлика солаётган хавф-хатарни, шу жумладан оқимларни кўрмаётган кишилар ҳам ҳақ эмаслар.

КПСС — халқларнинг миллий тикланиши, суверенитети, мустақиллиги ва ўзини ўзи бошқариши тарафдоридир. Бу мақсадни мамлакатимизнинг аниқ шароитида, унинг тарихини, таркиб топган маданий, руҳий, маънавий алоқаларини, нуфус омилларини, халқларнинг кўп қатламлилиги ва жойланишини, хавфсизлик эҳтиёжларини ҳисобга олиб қандай рўёбга чиқариш кераклиги — бош масаладир.

Барча вазиятларни ва сўнгги йиллар тажрибасини таҳлил этишдан шу нарса кўриниб турибдики, кўп миллатли давлатимизни обдон ўзгартириш ва мустақил давлатлар иттифоқини барпо этиш йўлигина халқларни қайта тиклаш ва уларнинг мустақиллигини амалга оширишнинг энг мақбул йўлидир. Бошқача қилиб айтганда, вайрон қилиш ва барбод этиш йўлидан эмас, балки замонавий шакллардаги бирлашиш йўлидан бормоқ керак. Шу сабабли КПСС ким томонидан бўлмасин, айирмачиликка, бузғунчилик ва вайрончилик ҳаракатларига қатъиян қарши чиқади. Айни вақтда партия кўп миллатли давлатимизни обдон янгилаш тарафдоридир.

Ҳозир коммунистларнинг айирмачилик кучлари шитобига қарши туришдан ҳам муҳимроқ вазифаси йўқ. Бу гап барча поғоналардаги кенгашларнинг депутатлари бўлган коммунистларга ҳам тааллуқлидир. Чунки биз бир қанча ҳолларда ҳокимият ва бошқарув идораларининг ҳаракатларини издан чиқарадиган, мамлакатдаги вазиятни беқарорлаштирадиган ғайриконституцион қарорлар қабул қилинаётганини кўриб турибмиз. Ҳуқуқ-тартиботни бузиш ва иқтисодий қийинчиликларнинг илдизлари мана шундан пайдо бўлиб, одамларнинг турмушига оғир таъсир қилмоқда. Келинглар, рўй-рост гапирайлик. Башарти, шу тамойиллар бартараф этилмаса, уларнинг бундан буён ҳам ривожланиб боришига имкон бериб қўйилса, мамлакатимиз бошига Ливаннинг куни тушиши хавфи ва унинг маълум бўлган оқибатларига дучор бўлишимиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Ўтган ҳафтада телевидениемизнинг Ливандаги мухбири ўзаро жанжаллашиш, кураш ва қарама-қаршилик нималарга олиб келганини вайрон бўлган шаҳарлар қаршисида гапириб берганита эътибор бергансиз, деб ўйлайман. Ливан дунёдаги энг гуллаб-яшнаб турган мамлакатлардан бири эди, бугун эса бизнинг мухбиримиз билан гаплашган ливанлик бу ердан қочиб кетмоқчи эканини айтди.

Ливаннинг кунига тушмаслигимиз учун коммунистлар ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишлари керак. Бунинг учун эса ҳаддидан ошган, миллатчи кучларнинг далиллари ва иниорлари лўттибозликдан иборат ёлғон эканини кўрсатиб бериш керак. Улар ҳар қандай воситалардан ҳазар қилмай, халқни алдаш йўли билан миллий нафрат ва қирғин муҳитини вужудга келтирмоқчилар. Бундай шароитда одамлар ўз дилларидаги ҳамма гапни айтишдан қўрқадилар. Коммунистлар ҳаддидан ошган миллатчилар ва экстремистларнинг маккорона тактикасини фош қилишлари лозим. Бу ўринда дадил ҳаққоний сўз ҳам, қонуннинг кучи ҳам керак.

Ҳозирги пайт алоҳида масъулиятли эканини назарда тутиб, Пленумда оммавий ахборот воситаларининг масъулияти ҳақидаги масалани қўйишни зарур деб ҳисоблайман. Бир томонлама, субъектив фикрларни жамиятга тиқиштиришга, буларни халқнинг фикри деб кўрсатишга уринишлар демократия ва ошкоралик қоидаларига зид бўлган ғайритабиий бир ишдир. Баъзи ахборот воситаларида фашистсимон унсурларнинг қаҳр-ғазабга тўлган телбанамо ҳаракатлари оз бўлмаса демократиянинг нишонаси деб талқин этилаётган экан, бу нуқтаи назарни қабул этиб бўлмайди. Бу ҳаракатларни халқ қатъиян рад этиб қоралаётгани эса кўрсатилмай қолмоқда. Бу қанақа ошкоралик бўлдию, қанақа демократия бўлди? Йўқ, буни ошкораликни гиж-гижловчилик мақсадида суиистеъмол қилишдан бошқа нарса деб бўлмайди.

Хўш, оммавий ахборот воситаларидаги коммунистлар нега индамай туришибди? Менимча, Марказий Комитет аъзолари ҳам маъмурий чоралар кўришни талаб қилиб партия Марказий Комитетига шунчаки телеграммалар юбормасдан, балки редакциялар билан доимий алоқа қилиб туришлари, уларга боришлари, мунозара қилишлари лозим. Бу — аввало сиёсий вазифадир. Имкони борича, бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари, ишимизнинг муваффақиятидан ва мамлакатимизнинг тақдиридан чинакамига манфаатдор бўлган ҳамма кишилар иштирокида ошкора, рўй-рост гаплашиб олиш керак. Ҳозир журналистларнинг роли ва ўрни бениҳоя катта. Шу сабабли биз халқ олдидаги масъулият туйғуси ҳар бир журналистга тўғри мавқени эгаллаш имконини беради, деб умид қиламиз.

КПСС Ленин ҳайкаллари, давлатимиз тимсоллари ва Ватанимиз маданияти обидалари, Ватан ҳимояси жангларида ҳалок бўлган жангчиларнинг қабрлари оёқ ости қилинишига қатъиян қарши чиқади. Одамлар кескин чоралар кўрилишини талаб қилмоқдалар. Президентнинг бу масала хусусидаги Фармони тайёрлаб қўйилган ва ҳозир СССР Олий Совети комитетларига хулоса чиқариш учун топширилган. Бу масалада жумҳурият ва маҳаллий ҳокимият идоралари қатъий йўл тутишлари керак. Жоҳиллик ҳаракатларига қарши чиқаётган афкор оммани қўллаб-қувватлаш коммунистларнинг бурчидир.

Ҳозирги вазиятда истиқбол ва кундалик характеридаги вазифалар ҳар қачонгидан ҳам чигал бир тугун бўлиб тугилган. Барча соҳаларда тегишли равишда фикрлаш ва ҳаракат қилиш учун мамлакатни идора қилувчи партия бўлган бизлар буни яхши тушунишимиз керак. Шуни рўй-рост айтиш лозим: агар биз яқин вақт ичида ёндашувни топиб, ирода кўрсатмасак, истеъмол бозорини изга солиш, жамиятда ҳуқуқ-тартибот ва интизомни, қонунийликни, ҳокимиятнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлаш, шартномавий мажбуриятларга риоя этиш каби масалаларни ҳал этишда меҳнаткашларни бирлаштириш учун ўз имкониятларимиздан фойдаланмасак, пировард мақсадларимиз ҳам шубҳа остида қолиши мумкин.

Ҳозир тактика масалалари бевосита стратегия билан туташиб кетмоқда. Коммунистларнинг, умуман партиянинг обрў-эътиборини тиклаш ва ошириш масаласи ҳам шунга боғлиқ. Ҳосилни йиғиштириб олишда, шаҳар ва манзилгоҳларнинг халқ хўжалигини қишга тайёрлашда, темир йўл ва шаҳар транспортида тартиб ўрнатиш ишида, кундалик турмуш билан боғлиқ ҳамма ишларда коммунистларнинг қандай ҳаракат қилишларига қараб одамлар партия ҳақида бир фикрга келадилар.

Коммунистларга нисбатан муносабат биринчи галда шу билан белгиланишини мисоллар кўрсатиб турибди. Мана шу ишларнинг ҳаммасида ташаббус кўрсатган партия ташкилотларини одамлар маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар. Мана, Москвада ҳосилни йиғиштириб олишда ёрдам бериш керакми ёки йўқми деган масала теварагида узоқ митингбозлик бўлди. Шу вақт ичида ҳар куни ёмғир ёғиб турди, энди ҳеч қандай техника ишламаяпти, одам қўллари керак. Мен Ю. А. Прокофьевдан раҳбар коммунистларни таклиф этишни илтимос қилдим. Салкам 450 киши тўпланди. Юрий Анатольевич уларга бундай деди: вазият мана шундай, Михаил Сергеевич бизга мурожаат этди, мен шаҳар комитети номидан сизларга мурожаат қилаяпман — келинглар, бирор иш қилайлик: улар бунга жавобан: ҳеч шак-шубҳа йўқ, келинг, Москвани оёққа турғизайлик, дейишди. Шундан кейин 60 минг киши ҳосилни йиғиштириб олишга юборилди, кўпгина жамоалар бир марта чиқиб қатнашмоқдалар. **(Овозлар:** Моссовет нима қилаяпти?).

Мана — биз, коммунистлар нима қилишимиз керак? — деб мулоҳаза юритаяпмиз. Халқ билан бирга бўлиш, шу ўзгариш даврини у билан бирга бошдан кечириш, руҳни бардам тутишда уюшиш ва амалий ишларни ҳал қилишда ёрдам бериш керак. Бутун жавоб мана шундан иборат. Бу иш қандай амалга оширилиши жамоадаги, халқ орасидаги, жумҳуриятдаги аниқ вазиятга боғлиқ.

Айни шу мақсадда биз барча поғоналардаги кенгашларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, қарор топиш давридан тезроқ ўтишда, ишдаги митингбозликдан халос бўлишда уларга ёрдам беришимиз керак. Тажрибани эътиборга олиб, чамаси, ҳозирнинг ўзидаёқ кенгашлар билан ижрокомлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга тузатиш киритиш, вазифалар, ваколатлар ва масъулиятни аниқ тақсимлаб олиш лозим. СССР Олий Совети ва Россия Федерацияси Олий Советининг комитетларида шу масалаларни пухта ишлаб чиқиш соҳасида олиб борилаётган ишни қўллаб-қувватлаш керак, деб ўйлайман.

Ҳозирги шароитда, сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги, кўп партиялилик рўёбга чиқаётган бир пайтда партиянинг бошқа сиёсий оқимлар ва ташкилотлар билан ўзаро алоқа қилиш маҳорати алоҳида аҳамият касб этмоқда. Биз съездда барча тараққийпарвар ватанпарвар кучлар билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимизни айтган эдик. Шу кучларнинг коалицияси ҳозир бутун халқнинг, халқ орасидаги барча қатламларнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган инқирозга қарши дастур асосида тузилиши мумкин.

Шу билан боғлиқ бўлган яна бир жиҳат бор. Яқинда маданият арбоблари билан бўлган учрашувдан хабарингиз бор. Маданиятнинг уюштирувчилик роли ўртоқлар нутқларининг асосий мазмуни бўлди. Ижодкор зиёлиларнинг маданий бойликларни ҳимоя қилишда, маданиятни қайта тиклашда ва уни кўпмиллатли жамиятимизнинг бирлаштирувчилик негизига айлантиришда партия билан, давлат ҳокимияти билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлиги кучли янгради. Кўпгина ғоялар ва таклифлар айтилдики, мен сизларнинг эътиборингизни шунга қаратмоқчиман. Бу ғоя ва таклифлар ушалмаган истаклигича қолмаслиги керак.

Кириш сўзини якунлаб, шуни яна бир бор таъкидламоқчиман: агар коммунистлар мамлакат олдида кўндаланг бўлиб турган ва халқимизни ташвишга солиб турган муаммоларни ҳал этишга енг шимариб киришадиган бўлсалар, партия ички тангликни бартараф эта олади ва халқнинг кўз ўнгида ўзининг сиёсий қадр-қимматини тиклаб олади.

* * *

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ўринбосари В. А. Ивашко мамлакатдаги аҳвол ҳамда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтказилиши муносабати билан КПССнинг вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

# В. А. ИВАШКО МАЪРУЗАСИ

Ўртоқлар! Мазкур Пленумда биз ҳаммамиз, янги таркибдаги Марказий Комитет аъзолари, КПСС XXVIII съездининг аввало ижтимоий-иқтисодий сиёсат соҳасига дахлдор қарорларини конкрет ҳаракатларга айлантиришимиз лозим бўлади.

Коммунистлар, биринчи навбатда нималар қилиш лозимлигини, ўткирлашиб кетган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий танглик сабабли ўзлари қандай ҳаракат қилишлари зарурлигини КПСС Марказий Комитетидан эшитишга умид боғламоқдалар.

Кўпдан буён жиддий касалга чалинган жамиятимизнинг ҳарорати қалтис даражага кўтарилди. Ишлаб чиқариш ҳажмлари қисқармоқда, хўжалик алоқалари муттасил инқирозга юз тутмоқда, интизом ёмонлашмоқда. Ялписига тақчиллик, чайқовчилик, истеъмол бозорига лат етказган нархнинг ошиб бораётганлиги миллионлаб совет кишиларининг ҳаётига кун сайин оғу солмоқда. Москва ва Ленинград, бошқа саноат марказларини озиқ-овқат билан таъминлаш шу даражага тушиб қолдики, энди бунга сира тоқат қилиб бўлмайди. Аҳоли бошига кулфат солаётган жиноятчилар олами сурбетлик қилмоқда. Миллатлараро нифоқ ва можаролар ўчоқлари аланга олиб турибди. Сиёсий кучларнинг бўлиниши давом этмоқда, социализмга қарши оқимлар фаоллашмоқда. КПССни ижтимоий ҳаётнинг чеккасига қисиб қўйишга уринишлар кучаймоқда. Шу мақсадда беҳаёлик билан коммунистлар бадном этилмоқда ва таъқиб қилинмоқда. КПСС тимсолидаги «душман образи» зўр бериб ижтимоий онгга сингдирилмоқда.

Шуларнинг ҳаммаси жам бўлиб ижтимоий кескинликни хавфли даражада кучайтириб юборди.

Пленум арафасида Марказий Комитет аъзолари, Сиёсий бюро ва КПСС Марказий Комитети Секретариатининг аъзолари, аппарат ходимлари кўпгина жумҳурият ва вилоят партия ташкилотларида бўлдилар, партия, совет фаоллари, меҳнаткашлар, ишлаб чиқариш жамоаларидаги коммунистлар билан учрашдилар.

Ишларнинг аҳволи билан танишиш шундай хулосага олиб келадики, съезддан кейинги ўтган даврда партия комитетлари фаолиятида сезиларли силжишлар бўлгани йўқ. Кўпгина жойларда сиёсий бўшашувчанлик, саросималик, амалий ҳаракатлар бўлмаётгани кўриниб турибди. Ҳали ҳам турмушдаги барча ҳоллар учун «юқоридан бекаму-кўст фармонлар», йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар кутиб туришибди. Бундай вазият учун муайян айбни биз ўз зиммамизга олишимиз керак, албатта, аммо жойларда ишлаши лозим бўлган кишилар зиммасига ҳам бундай айбнинг бир қисмини қўйишимиз лозим бўлади. Лекин ҳозир асосий масала бунда эмас. Асосий масала шундаки, ана шундай вазиятда анчагина одамлар партияга ишончни йўқотиб қўймоқдалар. Унинг сиёсатидан, қайта қуришдан ҳафсалалари пир бўлмоқда. Сусткашлик ва ташаббуссизлик, ижтимоий тараққиётнинг энг ўткир масалалари хусусидаги ўз позицияларини коммунистлар ва партиясизларнинг кенг оммасига етказишда уқувсизлик қилаётгани учун Марказий Комитетга тобора қатъият билан ва тез-тез таъна қилмоқдалар.

КПСС XXVIII съезди танг ҳолатдан чиқишнинг йўлини қидирар экан, бозор муносабатлари, жамият ҳаётининг барча соҳаларида таг-заминли, туб ўзгаришлар тарафдори эканлигини аниқ-равшан айтди. Бундай қарорга келиш осон бўлгани йўқ, чунки бу ижтимоий онгдаги, ижтимоий амалиётдаги чинакам инқилоб демакдир. Ҳаёт мавжуд хавфсирашни тасдиқлади. Матбуотдаги мунозаралар, партия органларига, жумладан КПСС Марказий Комитетига келаётган хатлар, партия йиғилишларидаги баҳслар шундан далолат бериб турибдики, иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтишининг ўзи сира бир хил қабул қилинаётгани йўқ, ҳадиксирашлар бор, бундай муносабатлар баъзан батамом рад этилмоқда.

Бундан ташқари, одамлар кўнглида ана шундай ўтиш билан боғлиқ сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқ-одобга даҳлдор кўпгина саволлар пайдо бўлмоқда. Бу саволларга аниқ-равшан жавоб берилиши керак ва бундай жавобни бериш керак. Бунинг устига, кўп кишилар бозор муносабатларига ўтишни капитализмнинг қайтадан тикланиши ҳамда социалистик тартиблар ва кафолатларнинг бекор қилиниши, деб тушунмоқдалар.

Равшанки, Марказий Комитет Пленумида СССР Олий Кенгашининг сессиясида кўриб чиқилган бозорга ўтиш дастури вариантларини яна қайтадан муҳокама қилиш ҳақида сўз бораётгани йўқ. Пленумда иқтисодни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларига ўтиш юзасидан амалий ишда партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг ўрни ва вазифаларини белгилаб олиш, давр талабларига кўра, мамлакатнинг ҳозирги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволидан келиб чиқадиган ҳаракат дастурини белгилаб олиш лозим бўлади. Равшанки, бу ўринда гап ким эртага ва индинга нима қилиши ҳақида бораётгани йўқ, асосий масала бошқачароқ, яъни бугун Пленумда партия ташкилотлари ўзларининг конкрет амалий ишларида риоя этишлари лозим бўлган мавқеини белгилаб олишдадир.

Шундай қилиб ҳозирги куннинг биринчи навбатдаги вазифаси сифатида иқтисодиётни барқарорлаштириш тўғрисида гапириб ўтайлик.

Гарчи танглик ҳодисаларининг асосий сабаби хўжалик юритишнинг самарасиз, яроқсиз бўлиб қолган системасининг қусурларида бўлса ҳам, оғир иқтисодий аҳволни фақат шу қусурлар билангина изоҳлаб бўлмайди. Сўнгги вақтларда йўл қўйилган жиддий хатолар ҳам бунга сабаб бўлди.

Аслида жуда қисқа муддат ичида бошқарувнинг илгариги системаси бузиб ташланди, аммо янги иқтисодий омилларни жорий этиш, бозор муносабатларига бевосита ўтиш йўл қўйиб бўлмайдиган тарзда чўзилиб кетди. Баҳслар, гап-сўзларга берилиб кетиб, ўзгаришларни кутиб, ишни унутиб қўйдик. Вазирликлар иш сифатини жуда пасайтириб юбордилар, оқибатда тармоқ бошқаруви барбод бўлди, мувозанат бузилди. Бозор йўқ, унинг ёмон хислати бўлган бебошлик эса аён кўриниб турибди. Сир эмаски, иқтисодий дастурлар бўлмаган бир шароитда хўжалигимизнинг кўпгина «устунлари» партия интизомига суянган эди. Энди вазият ўзгарди. Партия комитетлари бевосита хўжалик вазифаларини бажаришдан ўзларини тиймоқдалар, ўзгаришларнинг мантиқи ҳам ана шундадир.

Ўтиш даврида асосий оғирлик сақланиб қолган тармоқ бошқаруви органлари ва кенгашлар зиммасига тушиши лозим эди. Лекин улар ҳозирча хўжаликка ва ижтимоий соҳага раҳбарликда ўзларига муносиб ўринни топа олганлари йўқ.

Бир гуруҳ корхоналарнинг иккинчи гуруҳ корхоналари олдидаги шартнома мажбуриятларини бажармаётганлиги, иш вақти йўқотилишининг кўпайиб бораётганлиги (шу йилнинг саккиз ойи мобайнидагина иш ташлашлар туфайли 10 миллион киши—кун зое кетди), бир қанча ишлаб чиқаришларнинг, шу жумладан, айтганча, дори-дармон ишлаб чиқарадиган корхоналар ёпилиб, уларнинг ўрни ҳеч нима билан қопланмаётганлиги, миллатлараро можаролар, ҳориждан хом ашё олишнинг кескин камайиши ишлаб чиқариш ҳажмларининг қисқаришига олиб келди. Тўққиз ой мобайнида умуман мамлакатда саноат маҳсулоти тайёрлаш 0,9 фоиз камайди. Шу жумладан, Озарбайжонда 9,1 фоиз, Арманистонда 7,2 фоиз, Литвада 4,1 фоиз, Эстонияда 2 фоиз, Латвияда 1,3 фоиз камайди.

Пул-кредит соҳасидаги тўла тартибсизлик оғриқли таъсир этмоқда. Муомала соҳасида нақд ва нақд бўлмаган пулларнинг тўлиб-тошиб кетганлиги пул системасини бузди, сўмнинг харид қобилиятини тушириб юборди. Ҳукумат ўтган йилнинг охирида қабул қилган молиявий соғломлаштириш режаси самарасиз бўлиб чиқди.

Ўртоқлар! Ҳеч қандай иқтисодиёт — на бозор иқтисодиёти, на маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти — муомаладаги пулнинг бетўхтов кўпайиб бориши шароитида фаолият кўрсата олмайди. Агар ички бозорнинг ҳеч нарса билан таъминланмаган пул билан тўлиб-тошиб кетиши тўхтатилмаса, янги иқтисодиётни бунёд этишнинг воситаси сифатида бозор муносабатларига ўтиш асоссиз бўлиб қолади ва бу фақат ижтимоий ларзаларгагина олиб келиши мумкин.

Йиллик эмиссия плани 10 миллиард сўм эди. Аслида эса тўққиз ой мобайнида пул эмиссияси 19,3 миллиард сўмга етди. Бу 1981—1985 йиллардаги жами эмиссиядан кўпроқдир. Муомалага миллиардлаб сўм пул чиқарилиши бошқа сабаблар билан бир қаторда эҳтиёжнинг ниҳоятда ошиб кетишига олиб келади, бозорлардаги нархлар кўтарилиб кетади, тақчиллик юзага келади. Моллар паспорт ва шахсий гувоҳномалар асосида сотилади, оқибатда эса чайқовчилар тобора кўпаяди. Кейинги йилларда иш ҳақи ва пенсияларнинг озгина оширилганлиги ҳам шу тахлитда чиппакка чиқди.

Шу қадар катта пул эмиссияси объектив тарзда тақозо этилганмиди? Жавоб битта—йўқ. Ўзингиз мулоҳаза юритиб кўринг. Ўтган ярим йилда, яъни эмиссия 9,7 миллиард сўмга етганида, фақат кооператорларнинг ўзигагина банклар шу кооператорлардан олиниб, ҳисоб дафтарчасига ўтказилганидан 12 миллиард сўм кўп нақд пул бердилар. Бу икки миқдор ўртасидаги алоқа бевосита бўлмаса ҳам лекин бор ва бу алоқа жуда мустаҳкамдир. Нега энди ҳеч ким бу жумбоқ билан қизиқмади? Нега энди пул биринчи талабнинг ўзи биланоқ бериб юборилмоқда? Бу эса мамлакатда шусиз ҳам мураккаб бўлиб турган вазиятни янада чигаллаштирмоқда. Украинада эса бир йил муқаддам бу масалага қизиққан эдилар, бунинг натижасида ушбу жумҳуриятдаги эмиссия ҳозир Иттифоқдагига нисбатан олти-етти баравар камдир.

Жумҳурият органлари ва маҳаллий органлар бу оғир аҳволдан ўзлари якка-якка чиқишга уриниб, кўп ҳолларда янгича маъмуриятчилик йўлини тутмоқдалар, бу эса хўжаликдаги тартибсизликни кучайтирмоқда. Оқибатда давлат интизоми даражаси пасаймоқда. Мисол тариқасида тамаки муаммосини, нон сотишда узилишлар бўлаётганини, миллионлаб одамларнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришдаги бошқа камчиликларни олайлик. Ана шу ва шунга ўхшаш тақчилликлар замирида бирор-бир жиддий объектив сабаблар йўқ, бундай аҳвол кечириб бўлмайдиган масъулиятсизлик, уқувсизлик, марказий ва маҳаллий органларнинг қўпол хатолари натижасида юзага келди.

Сўнгги вақтда халқ хўжалиги ишига айрим сиёсий кучларнинг бузғунчилик позицияси салбий таъсир этмоқда. Буларнинг айримлари, сира яшириб ўтирмай, «қанчалик ёмон бўлса, шунчалик яхши» деган қоида асосида иш тутиб, одамларнинг иқтисодий вазиятдан норозилиги тўлқинида ўзларининг сиёсий нафсониятларини қондиришдан умид қилмоқдалар. Сира кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатлар ва юқоридан қуйигача бошқарув структураларини дарҳол оптималлаштириш зарур. Шу муносабат билан СССР Олий Советининг «Мамлакат иқтисодий ва ижтимоий сиёсий турмушини барқарорлаштириш тадбирлари, Президентга қўшимча ваколатлар бериш ҳақидаги» қарори мутлақо ўринлидир. Давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш, интизом ва ҳуқуқ-тартиботни юксалтиришга қаратилган ушбу тадбирни Марказий Комитет Сиёсий бюроси мамлакат турмушини таъминлаш, жумладан бозор иқтисодиёти сари ҳаракат қилишнинг зарур шарти деб билади.

Бизнингча, бутун партия Президентга, СССР Олий Кенгашига, жумҳуриятлар ва жойлардаги ҳокимият органларига уларнинг жамиятни танг аҳволдан чиқариш йўлида сарфлаётган куч-ғайратларига ҳар жиҳатдан мадад бериши керак.

Ўртоқлар! Шу куннинг асосий вазифаси — истеъмол бозорини нормал изга солишдан, аҳолининг даромади ва харажатларини мувозанатлаштиришдан иборатдир, бунинг учун эса, аввало, бозордаги молларни, бундай молларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш керак. КПСС Марказий Комитетига келаётган хатлар шундан далолат бериб турибдики, моддий-техника таъминотининг кескин ёмонлашуви, шу жумладан ҳориждан хом ашё ва бутловчи буюмларни етказиб бериш қисқариши оқибатида шу яқин орада енгил саноат корхоналари ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқараётган бошқа тармоқларнинг корхоналари оғир аҳволга тушиб қолишлари мумкин. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозирги вақтда таркиб топган хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш ва хўжалик шартномаларини ижро этиш, моддий-техника таъминотини йўлга қўйиш биринчи галдаги вазифа бўлиб қолмоқда. Барча коммунистлар қаерда ишлашларидан қатъий назар бу борада қатъий ҳаракат қилишлари лозим.

Сир эмас, истеъмол бозоридаги аҳвол васвасали талаб, ҳар хил миш-мишлар ва ҳатто яқин орада очарчилик бўлади, деган овозалар сабабли яна ҳам мушкуллашмоқда. Шу боисдан ҳам одамлар, яқин орада ҳолимиз не кечади деб сўраётганликлари табиийдир.

Бутун масъулиятни зиммага олиб айтиш мумкинки, бундай гап-сўзлар асоссиздир. Асосий экинлардан етиштирилган ҳосил ўтган йиллардагига нисбатан кўпдир. Об-ҳавонинг барча мураккабликларига қарамай

(Давоми учинчи бетда).

